



# Korxonona boshqaruvi fani

Bajardi : Xusanova G.S

## 8-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолияти таҳлили

1

- Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг молиявий фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар.

2

- Кичик бизнес ва тадбиркорликни кредит билан таъминлаш шакллари.

3


- Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги.

4

- Самарадорликни баҳоловчи кўрсаткичлар.

1.	Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар.
2.	Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятини таҳлил қилиш
3.	Кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялаштириш манбалари. Кичик бизнес субъектларини кредит билан таъминлаш шакллари.
4.	С а м а р а д о р л и к н и о ш и р и ш н и н г а с о с и й йўналишлари.

# 1. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг молиявий фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар



Корхоналар фаолиятининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлардан асосийси рентабелликдир (даромадлилик).



Корхоналар фаолиятининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлардан асосийси рентабелликдир (даромадлилик).

## Корхоналар даромадининг турлари:

маҳсулотлар сотишдан тушган ялпи фойда (ЯФ)

асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан тушган фойда (ИЧФ)

умумий хўжалик фаолиятидаги фойда (УХФ)

солиқ тўловларигача бўлган фойда (СТБФ)

йиллик соф фойда (ЙСФ)

Умумий хўжалик фаолиятидаги фойда (УХФ): асосий фаолиятидаги фойда (АФФ) плюс дивидендлар (ДД) ва фоизлар бўйича даромадлар (ФД) плюс (ёки минус) чет эл валюталари бўйича операцияларидан олинган даромадлар (ёки камомадлар) (ЧЭВ) плюс (ёки минус) қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдаги даромадлар (ёки камомадлар) (КККБ) минус фоизлар бўйича харажатлардан (ФХ) иборат, яъни:

$$\text{УХФ} = \text{АФФ} + \text{ДД} + \text{ФД} \pm \text{ЧЭВ} \pm \text{КККБ} - \text{ФХ}$$

Ликвидлилик коэффициентлари корхона ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини бажариш имкониятларини баҳолашда фойдаланилади.

Ликвидлилик кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- қоплаш коэффициенти;
- тезкор ликвидлилик коэффициенти;
- абсолют ликвидлилик коэффициенти.

Қоплаш коэффициенти (ҚК) жорий мажбуриятларнинг (ЖМ) 1 сўмини қоплаш учун жорий активларнинг (ЖА) неча сўмига тўғри келишини кўрсатади:

$$КК = \frac{ЖА}{ЖМ}$$

Ушбу кўрсаткичнинг нормадаги қиймати – 2.

Тезкор ликвидлилик коэффициенти (ТЛК) пул маблағлари (ПМ) билан дебиторлик қарздорлик (ДК) йиғиндисини жами мажбуриятлар нисбатига тенг:

$$ТЛК = \frac{ПМ + ДК}{ЖМ}$$

Ушбу кўрсаткичнинг нормадаги қиймати – 1.

Абсолют ликвидлилик коэффициенти (АЛК) пул маблағлари (ПМ) билан қимматли қоғозлар (ҚҚ) йиғиндисини жами мажбуриятлар нисбатига тенг:

$$АЛК = \frac{ПМ + ҚҚ}{ЖМ}$$

Абсолют ликвидлилик коэффициенти қисқа муддатли мажбуриятларнинг қандай қисми дархол тўланишлигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичнинг нормадаги қиймати – 0,2.



**Корхона асосий фаолиятининг рентабеллиги сотилган маҳсулотлардан олинган фойдани (ялпи фойда) маҳсулотларнинг таннархига нисбати орқали аниқланилади:**

$$P_a = \frac{ЯФ}{ТН}$$

**Корхонанинг сотув рентабеллиги соф фойдани маҳсулотлар сотишдан тушган тушумга (ялпи тушум) нисбати орқали аниқланилади:**

$$P_c = \frac{СФ}{ЯТ}$$

**Асосий воситаларнинг рентабеллиги ( $P_{ав}$ ) - соф фойданинг асосий воситалар ўртача йиллик қийматиغا нисбати орқали аниқланади:**

$$P_{ав} = \frac{СФ}{A_{вк}} 100 \%$$

## **2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятини таҳлил қилиш**

Молиявий таҳлилнинг мақсади – фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари динамикасини чуқур ўрганиш ва омилли таҳлил қилиш асосида уларни янада кўпайтириш ва ошириш имкониятларини аниқлашдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун таҳлил қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиши лозим:

- корхонанинг молиявий натижалари (фойдаси ва зарари) таркиби, тузилиши ва динамикасини ўрганиш;

- ялпи фойда (зарар) ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таъсирига баҳо бериш;

- асосий ишлаб чиқариш фаолияти фойдаси (зарари) ва унинг ўзгаришини омилли таҳлил қилиш;

- умумхўжалик фаолияти фойдаси (зарари) ўзгаришини омилли таҳлил қилиш;

- соф фойда ўзгаришини аниқлаш ва омиллар таъсирига баҳо бериш;

- корxonанинг рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш ва уларга таъсир қилувчи омилларга баҳо бериш;

- фойда ва рентабелликни ошириш имкониятларини кўрсатиш;

- корxonанинг кучли, кучсиз томонларини, ҳамда имкониятлари ва унинг фаолиятига таъсир этувчи хавф-хатарларни аниқлаш.

**SWOT-таҳлил.** SWOT - инглизча Strengths (кучлар), Weaknesses (заиф томонлар), Opportunities (имкониятлар) ва Threats (тахдидлар, хавф-хатарлар) сўзларининг бош харфидан тузилгандир.

### SWOT - таҳлилда ҳисобга олинадиган омиллар

Кучли томонлар (S):	Заиф томонлар (W):
Аник намоён бўлиб турган нуфузлилиқ	Баъзи нуфузли жиҳатларни қўлдан бой бериш
Муносиб молиявий манбалар	Стратегияни ўзгартириш учун зарур бўлган молиявий маблағларнинг йўқлиги
Рақобатли кураш санъатининг юксаклиги	Бозордаги мавқеи ўртачадан паст
Истеъмолчиларни яхши билиши	Истеъмолчилар ҳақидаги ахборотнинг таҳлил қилинмаслиги

<b>Кучли томонлар (S):</b>	<b>Заиф томонлар (W):</b>
Тан олинган бозор пешқадами	Бозорнинг заиф иштирокчиси
Аниқ ифодаланган стратегия	Аниқ ифодаланган стратегиянинг, уни амалга оширишдаги изчилликнинг йўқлиги
Ишлаб чиқариш кўлаמידан тежаш, нархдаги устунлик	Маҳсулот нарҳининг асосий рақобатчиларга қараганда юқорилиги
Ноёб технологияга ва яхши ишлаб чиқариш қувватига эга	Эскирган технология ва асбоб-ускуналар
Ишончли, синалган бошқарув тизимга эга	Бошқарувда теранлик ва мослашувчанликнинг бой берилиши
Ишончли тақсимот тармоғи	Тақсимот тармоғининг заифлиги

## SWOT - таҳлилда ҳисобга олинадиган омиллар

Имкониятлар (О):	Хавф-хатарлар (Т):
Истеъмолчиларнинг қўшимча гуруҳларига ҳам хизмат кўрсатиш имконияти	Бозор ўсишининг сустлаши, янги бозор сегментлари кириб келишининг салбий демографик ўзгаришлари
Мумкин бўлган товарлар кўламининг кенгайиши	Ўрин босувчи товарлар савдосининг ўсиши, харидорлар диди ва эҳтиёжларининг ўзгариши
Рақобатчиларнинг кўнгилчанлиги	Рақобатнинг кескинлашуви
Ташқи бозорларга чиқишдаги савдо тўсиқларининг камайиши	Товарлари арзон бўлган хорижий рақобатчиларнинг пойдо бўлиши
Валюта курсларининг ижобий силжиши	Валюта курсларининг салбий ўзгариши

# SWOT матрицаси

	<b>Имкониятлар</b>	<b>Хавф-хатарлар</b>
	1 2 3 ...	1 2 3 ...
<b>Кучли томонлар</b> 1 2 3 ...	<b>“КТИ” МАЙДОНИ</b>	<b>“КТХХ” МАЙДОНИ</b>
<b>Кучсиз томонлар</b> 1 2 3 ...	<b>“КЗИ” МАЙДОНИ</b>	<b>“КЗХХ” МАЙДОНИ</b>

## Имкониятлар матрицаси

### *Имкониятларни корхонага таъсири*

*Имконият  
дан  
фойдала  
ниш  
эхтимоли*

	Кучли (Юқори)	Ўртача	Кучсиз (Камрок)
Юқори	“ЮК” майдон	“ЮЎ” майдон	“ЮКЗ” майдон
Ўртача	“ЎК” майдон	“ЎЎ” майдон	“ЎКЗ” майдон
Паст (Кичик)	“ПК” майдон	“ПУ” майдон	“ПКЗ” майдон



## 2. Кичик бизнес ва тадбиркорликни кредит билан таъминлаш шакллари

Кичик бизнесни кредит билан таъминлаш деганда, бу уларга пул ёки товар шаклидаги воситаларни маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган муносабатлар тушунилади.

Кредит муносабати да икки субъектнинг бири пул эгаси, яъни қарз берувчи; иккинчиси пулга муҳтож, яъни қарз олувчи ўртасида юзага келади. Кредит, товар ва пул кўринишидаги маблағларни қайтариб бериш, муддатлилик ва фоиз тўлаш шартлари асосида бериш натижасида юзага келади.

# Кредит бериш муддатига кўра, уч турга бўлинади

Қисқа муддатли кредитлар

- муддати бир йилгача бўлган кредитлар

Ўрта муддатли кредитлар

- муддати бир йилдан уч йилгача бўлган кредитлар

Узоқ муддатли кредитлар

- муддати уч йилдан ортиқ кредитлар

## **Халқаро кредитлар**

- берилиш муддатига кўра бирмунча фарқ қилади. Бунда бир йилдан беш йилгача муддатга берилган кредитлар ўрта муддатли, беш йил ва ундан ортиқ муддатга берилган кредитлар узоқ муддатли кредитлар деб ҳисобланади.


## **Кредит субъектлари**

- ҳар хил бўлиши мумкин. Буларга корхона, фирма, ташкилот, давлат ва турли тоифадаги аҳоли киради.

## **Кредит объекти**

- ҳар қандай пул эмас, балки фақат вақтинча бўш турган, берилиши мумкин бўлган пуллар ва товарлардир.

# Бўш пул уч хил бўлади



тадбиркорлар ёки катта пулдорлар қўлидаги пул,  
яъни капитал

аҳоли қўлидаги пул эртами-кечми эҳтиёжни  
қондириш учун тўпланган пул, эгаси қўлида  
капитал эмас, балки истеъмолни қондириш  
воситаси

давлат ихтиёридаги пул. Бу пул ҳам капитал  
(давлат корхонаси учун), ҳам умумий истеъмол  
пулидир

# Кредит тўрт хил вазифани бажаради

## 1-чидан

- пулга тенглаштирилган тўлов воситалари (масалан, вексел, чек, сертификат ва ҳоказолар)ни юзага чиқариб, уларни хўжалик айланмасига жалб қилади.

## 2-чидан

- бўш пул маблағларини ҳаракатдаги, ишдаги капиталга айлантириб, пулни пул топади, деган қоидани амалга оширади.

## 3-чидан

- қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш билан ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиб туришини таъминлайди.

## 4-чидан

- қарз бериш, қарзни ундириш воситалари орқали иқтисодий ўсиш рағбатлантирилади.



Кредитнинг қайтариб беришлилик тамойили қарздор томонидан вақтинча фойдаланишга олинган қийматни ўз муддатида кредиторга қайтарилиб берилишини ифодалайди

Кредитнинг муддатлилик тамойили қарздор учун қулай бўлган ҳар қандай муддатда эмас, балки кредит битимида кўрсатилган аниқ муддатда кредитнинг қайтарилиши зарур эканлигини ифодалайди.

Кредитнинг тўловлилик тамойили қарздор томонидан вақтинча муддатга фойдаланишга олинган кредит ресурслари учун маълум тўлов тўланишини ўзида ифодалайди

Кредитнинг мақсадлилиқ тамойили асосан кўп ҳолатларда кредитор томонидан берилган маблағларни қарз олувчи томонидан шартномада кўзда тутилган аниқ мақсадга йўналтирилишини ўзида акс эттиради.

Кредитнинг моддий таъминланганлиги тамойили кредит шартномасида кўрсатилган шартларни қарздор томонидан бузилиши натижасида кредиторнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиши зарурлигини ифодалайди. Бу ҳолат эса кредитни бирор гаров ёки молиявий кафолат асосида беришда ўзининг амалий аксини топади.




## **Кредитнинг салбий роли, асосан, қуйидаги икки ҳолатда намоён бўлади**

**кредит турли йўллар билан асоссиз равишда кўп берилса ва оқибатда пул массаси кўпайиб, миллий пул қадрсизланса**

**агар олинган халқаро кредитлардан самарали фойдаланилмаса ва мамлакат бошқа даромад манбалари, масалан, олтинини сотиш ҳисобидан кредитни қайтарса.**

# Кредитнинг асосий шакллари



## **Тижорат кредити**

- сотувчиларнинг харидорларга товар шаклида бериладиган кредитидир. Бунда товарлар маълум муддатда пулини тўлаш шарти билан насияга берилади. Тижорат кредитини насияга олувчи унинг эгасига вексел (қарзнинг мажбуриятномаси)ни беради.

## **Банк кредити**

- Банк ва бошқа кредит ташкилотлари пулини унинг соҳибларига фоиз тўлаш шарти билан ўз қўлида жамлайдилар ва ўз номидан қарзга бериб, фоиз оладилар.

## **Истеъмолч и кредити**

- Тижорат банклари тадбиркорлик учун фирмаларга, истеъмолчиларга товар сотиб олиш учун қарз беради. Бунинг натижасида истеъмолчи кредити пайдо бўлади.

## Давлат кредити

- Банклар давлатга ҳам қарз беради. Шу билан бирга ундан қарз ҳам олади. Бунда давлат кредити пайдо бўлади. Қарз ва унинг фоизи бюджет ҳисобидан қайтарилади. Давлат кредити шароитида қарз берувчилар камдан-кам ҳолларда банклар бўлади. Кўпинча бу вазифани аҳоли, фирма, корхона ва ташкилотлар бажаради.

## Халқаро кредит

- ссуда капиталининг халқаро миқёсдаги ҳаракати бўлиб, бу ҳаракат товар ва валюта кўринишидаги маблағларни қайтариб бериш, муддатлилик ва ҳақ тўлаш асосида бериш билан боғлиқдир.

# Халқаро кредитнинг асосий шакллари

## Фирмавий кредит

- бир мамалакат фирмаси томонидан иккинчи мамлакатдаги фирмага берилган кредитдир. Унинг энг кенг тарқалган тури бу экспортчининг импортчига товарларни тўлов муддатини кечиктириш асосида сотишга асосланган кредитдир.

## Акцептли кредит

- йирик банклар томонидан тратталарни акцептлаш шаклида бериладиган кредитлар. Агар экспорт қилувчи импорт қилувчининг тўловга қобиллигига шубҳа қилса ёки тўлов йиғиндисини тезда олишни хоҳласа, ушбу кредитдан фойдаланилади.

## Акцептли - рамбурсл и кредит

- маъноси шундаки, экспорт қилувчининг вексели учинчи мамлакат банки томонидан акцептланади ва импортчи векселда кўрсатилган йиғиндини акцептланган банкка ўтказди.

## Кредит қобилиятини баҳолаш коэффициентлари ва уларни меъерий қиймати

Коэффициент	Ҳисоблаш усули	Меъёр
А б с о л ю т ликвидлик, $K_{ал}$	$K_{ал} = (ПВ + ҚММҚ) / M_{қм}$ ПВ – пул воситалари, ҚММҚ – қисқа муддатли молиявий қўйилмалар $M_{қм}$ – қисқа муддатли мажбуриятлар	0,2-0,25
К р и т и к ликвидлик, $K_{қл}$	$K_{қл} = (ПВ + ҚММҚ + ДҚ) / M_{қм}$ ДҚ – дебитор қарздорлик $O_{қс}$ – краткосрочные обязательства	0,7-0,8
Ж о р и й ликвидлик, $K_{жл}$	$K_{жл} = (ПВ + ҚММҚ + ДҚ + ХЗ) / M_{қм}$ ХЗ – харажатлар ва захиралар	1-1,25
М о л и я в и й мустақиллик, $K_{мм}$	$K_{мм} = (Хусусий воситалар / жамибаланс) \times 100\%$	50-60%

## Кредит олувчиларни синфларга ажратиш

Коэффициент	1-синф	2-синф	3-синф
$K_{ал}$	0,2 ва ундан катта	0,15-0,2	0,15 дан кичик
$K_{кл}$	0,8 ва ундан катта	0,5-0,8	0,5 дан кичик
$K_{жл}$	2 ва ундан катта	1,0-2,0	1,0 дан кичик
$K_{мм}$	60% ва ундан катта	40-60%	40% дан кичик

## 4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги

Бозор иқтисодиётига ўтиш хўжалик юритишнинг оқилона йўлларини излаб топишни талаб қилади. Бу эса материаллар ва хом ашёни тежаб-тергаб сарфлаш, дастгоҳ ва ускуналардан яхшироқ фойдаланиш, ходимлар иш унумдорлигини ошириш, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни пасайтириш, пировардида, корхона рентабеллилиги ва фойдалилигини оширишни кўзда тутди.




# Самарадорликнинг таърифи асосида ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва ҳажми ётади

## Харажатлар

- корхонанинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини амалга оширишда зарур омиллар (сармоялар, меҳнат ресурслари, табиий ресурслар, тадбиркорлик фаолияти) учун сарфланган маблағларнинг пулда акс эттирилишидир. Улар маҳсулот таннархи кўрсаткичида намоён бўлиб, барча моддий харажатлар, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларидан иборатдир.

# Барча кўрсаткичларни қуйидаги учта гуруҳга бирлаштириш мақсадга мувофиқдир



и  
ресурсларн  
умумлашти  
инг айрим  
рувчи

турларидан  
кўрсаткич

фойдалани

ш

самарадорл

иги

кўрсаткич

фаолиятни

баҳоловчи

кўрсаткичл

ар

**Ресурсларнинг  
айрим  
турларидан  
фойдаланиш  
самарадорлиги  
кўрсаткичлари**

- Меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқариш самарадорлигининг энг муҳим ўлчовларидан биридир. Меҳнат унумдорлиги билан ходимларнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлиги аниқланади. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши жонли ва буюмлашган меҳнатнинг тежалишини билдиради.

**Меҳнат  
унумдорлиги**

- бир ходим томонидан иш вақти бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга иш вақтининг миқдори билан ўлчанган жонли меҳнат сарфининг самарадорлигидир.

## Самарадорликни оширишнинг асосий йўналишлари

Корхоналар фаолиятида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари топиш долзарб ҳисобланади. Агар шундай қилинмас экан, корхонанинг қатъий рақобат муҳитида омон қолиши мушкул

илғор технология ва замонавий ускуналардан  
фойдаланиш

хомашё ва материалларнинг янги турларини қўллаш

асосий фондлардан самарали фойдаланиш

айланма маблағлар айланишини жадаллаштириш

меҳнатни ташкил қилишнинг самарали шакл ва  
усулларини қўллаш

менежмент фани ва амалиётининг илғор  
ютуқларидан фойдаланиш

мамлакатимиз ва хориж фирмаларининг илғор  
тажрибаларини татбиқ этиш ва бошқалар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга ва маҳсулот таннархини пасайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 8-сонли Қарори 22.01.2015 й.

- энергия ресурслари истеъмолини қисқартириш ва ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш;

- технологик жараёнларни ҳамда материал-хом ашё ресурсларини сарфлаш нормаларини, фойдаланиш ва ноишлаб чиқариш харажатларини ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан рационализация қилиш;

- меҳнат унумдорлигини ошириш, бошқарув ҳамда саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сонини мақбуллаштириш ва бошқа омиллар ҳисобига 2015 йилда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини ўртача 10 фоизга пасайтириш бўйича таклифлари маъқулланган.